

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-1

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-1



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-1 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-SI-1>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Artur Gambaryan**  
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХҲҲАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Жолдасов Айдос Фархадович</b> ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ.....	5
<b>2. Саидбоева Махбуба Рахмонназаровна</b> ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ УЧАСТИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ В ИЗБИРАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ В УЗБЕКИСТАНЕ И ТАДЖИКИСТАНЕ.....	17
<b>3. Искендеров Полат Конисбаевич</b> АВТОНОМ (ҲАЙДОВЧИСИЗ) ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	26
<b>4. Мейлиева Наргис Зульфикоровна</b> ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОРТУГАЛИЯ НОТАРИАТИ.....	35
<b>5. Сайдивалиева Хуршида Ходжиақбаровна</b> ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕЛИШУВ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	42
<b>6. Vozorov Jasurbek Saydulla o'g'li</b> SHAXSLARNING HUQUQ VA ERKINLIKLARINING PROKUROR TOMONIDAN HIMOYA QILINISHI.....	50
<b>7. Акбаралиева Мухайё Караматулло кизи</b> ПОХИЩЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА И ЗАХВАТ ЗАЛОЖНИКА: РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ СОСТАВАМИ.....	57
<b>8. Алиев Асилбек Кадиорович</b> ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА.....	64
<b>9. Allanova Azizaxon Avazxonovna</b> DAVLAT CHEGARASINI KESIB O'TISH BILAN BOG'LIQ JINOYATLAR UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNI AMALGA OSHIRISHDA HUDUD MASALASI.....	71
<b>10. Алтиев Раззок Саидович</b> ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....	80
<b>11. Бобокулов Хамид Махмадутович</b> ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ.....	89
<b>12. Otaboyev Bobur Ibrat o'g'li</b> TERRORIZMNI MOLIYALASHTIRISH JINOYATINING OBYEKTI.....	96



**Мейлиева Наргис Зульфиковна,**  
 Тошкент шаҳар Мирзо-Улуғбек туманида хусусий  
 амалиёт билан шуғулланувчи нотариус.  
 Email: mnz1983@icloud.com

### ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОРТУГАЛИЯ НОТАРИАТИ

**For citation:** Meylieva Nargis Zulfikarovna. FOREIGN EXPERIENCE: UZBEKISTAN AND PORTUGAL NOTARYSHIP. Journal of Law Research. 2025, Special issue 1, pp. 35-41

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14679683>

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Португалияда нотариат соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари илмий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича ваколатлари ва амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинган. Нотариат соҳаси мамлакатда мулкчиликни тасарруф этиш, фойдаланиш ҳамда бошқа турдаги ҳаракатларни амалга оширишда муҳим рол ўйнаб, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан миллий қонунчилик асосида таҳлил қилинган ҳолда назарий ва амалий ҳиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли бўлган нотариусларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга, мазкур соҳага оид назариётчи олимлар, тажрибали амалиётчи ходимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** нотариат, нотариус, нотариал ҳаракатлар, шартномалар, шахсни тасдиқлаш, нотариал ҳужжат, таржимон, архив ҳужжатлари.

**Мейлиева Наргис Зульфиковна,**  
 Нотариус частной практики, Мирзо-Улугбекский район, город Ташкент  
 Email: mnz1983@icloud.com

### ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ: УЗБЕКИСТАН И ПОРТУГАЛЬСКИЙ НОТАРИУС

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье научно урегулированы вопросы правового регулирования нотариальной деятельности в Узбекистане и Португалии, рассмотрены полномочия нотариусов по совершению нотариальных действий и меры по их реализации. Сфера нотариата играет важную роль в распоряжении, использовании и осуществлении других видов действий в стране. Она анализируется с теоретической и практической точки зрения, исходя из национального законодательства о совершении нотариальных действий. Также отдельно рассмотрены права и обязанности сторон при совершении нотариальных действий, права и

обязанности нотариусов, уполномоченных на совершение нотариальных действий. При этом были проанализированы мнения и мнения учёных-теоретиков, опытных практиков в данной области.

**Ключевые слова:** нотариус, нотариус, нотариальные действия, договоры, подтверждение личности, нотариальный документ, переводчик, архивные документы.

**Meylieva Nargis Zulfikarovna,**  
Private Practice Notary of Mirzo-Ulugbek District in Tashkent  
Email: mnz1983@icloud.com

## FOREIGN EXPERIENCE: UZBEKISTAN AND PORTUGAL NOTARYSHIP

### ANNOTATION

This article scientifically regulates the issues of regulatory and legal regulation of the notarial sphere in Uzbekistan and Portugal, discusses the powers of notaries to perform notarial acts and measures for their implementation. The notarial sphere plays an important role in the disposal, use and other types of property in the country, and is analyzed from a theoretical and practical perspective, analyzing it on the basis of national legislation on the performance of notarial acts. Also, a separate focus is placed on the rights and obligations of the parties in the performance of notarial acts, the rights and obligations of notaries authorized to perform notarial acts. At the same time, the opinions and considerations of theoretical scientists and experienced practitioners in this field are analyzed.

**Keywords:** notarial, notary, notarial acts, contracts, identity verification, notarial document, translator, archival documents.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан у халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида дунёнинг барча давлатлари томонидан тан олинди, шунингдек, БМТга ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотларга аъзоликка қабул қилинди. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўзининг аълоҳида, ҳеч қандай таъқиқларсиз миллий ҳуқуқ тизимини шакиллантирмоқда.

Бу ҳуқуқ тизими халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим тамойилларига, ривожланган мамлакатларнинг илғор анъаналарига, амалиётда ўзини оқлаган меъёрларга, халқимизнинг бой меросига асосланади ва уларни ўзида мужассамлаштиради. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими мамлакатимизда адолатли, инсонпарвар жамият, кучли ҳуқуқий-демократик давлатни шакиллантиришда фаол ва таъсирчан куч сифатида хизмат қилади. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими ижтимоий тараққиётда бозор муносабатларининг аста-секин шаклланиб боришининг ҳуқуқий негизи ва қонуний қафолати ҳамдир. Бозор муносабатларининг шакилланиб бориши маъмурий буйрқбозликдан ҳоли бўлган ижтимоий тараққиётга кенг йўл очиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” [1] деган олийжаноб ғоя негизида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда ҳар бир соҳасини қонун йўли билан тартибга солиш, инсон манфаатларига зид нормаларни бекор қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ амалга оширилишини давлат томонидан таъминлаш чораларини кўришни англатади.

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятларидан бири – инсонга бўлган муносабат, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар тарихий ривожланиш жараёнида инсон ҳуқуқларига оид ўз қонунлар тизимини яратган [2].

Шунингдек, ҳар бир давлат ва жамият равнақи ёш авлоднинг камолоти, уларнинг маънавий баркамол авлод қилиб тарбияланганлиги ҳамда илмий салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу маънода, мамлакатимизда таълим тизимини, жумладан, юридик кадрлар

таёрлаш тизимини ҳам сифат жиҳатдан яхшилашга қаратилган кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Тараққиётнинг муҳим омили сифатида мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни изчил давом этмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар, дастурий чора-тадбирлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади аввало инсонларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 13-мақсадида бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш, нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан оворагарчиликсиз, шу жумладан масофадан туриб ва «ягона дарча» тамойили асосида фойдаланишни таъминлаш белгиланган [4].

Нотариал фаолият тартиб-таомиллари зоҳиран формал – бюрократик жараёнлар тарзида намоен бўлсада, аслида уларга қатъий риоя қилиш кейинчалик вужудга келадиган низоларнинг олдини олишга хизмат қилади ҳамда ҳуқуқий демократик давлат белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади [5].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш белгиланиши бежизга эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги “Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги ПФ-80-сон Фармони билан нотариат, адвокатура ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, нотариал идоралар фаолиятини автоматлаштириш, барча нотариал битимлар ҳисобини марказлашган ҳолда юритиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва тадбиркорларга нотариат соҳасида интерактив давлат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш ҳамда нотариат соҳасида аҳолига қулай ва тезкор хизматлар кўрсатиш, ортикча маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш вазифаси юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нафақат мамлакатимизда балки, бутун дунёда мол-мулкни реализация қилиш, турли шартномавий ва бошқа муносабатларда нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда миллий қонунчилигимиз мустаҳкамланиб, хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги тан олинган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда фуқаролар бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Маълумки, фуқаролар, юридик шахслар ва ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини мустақил амалга оширишлари, шунингдек, уларни амалга оширишда қонунда белгиланган механизмлардан фойдаланишлари мумкин. Маълумки, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашувчи бир неча процессуал механизмлар мавжуддир. Мазкур механизмлар тизимида нотариат алоҳида муҳим аҳамиятга эга [6].

Жумладан, фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тенглиги, мустақиллиги, ташаббускорлигига кенг йўл очди. Фуқаролик ҳуқуқий тартибга солинадиган

муносабатлар доирасини ғоят кенгайтирди мулкый муносабатларга хусусий мулк, тадбиркорлик билан боғлиқ ва уларни мустахамловчи қатор янги ҳуқуқ институтларини жорий этди. Шахсий муносабатларда ишбилармонлик обрўси, маънавий зарарни моддий қоплаш каби ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган меъёрларни фуқаролик муомаласига киритди.

Бозор муносабатларини бутун тизимини бирлаштиришга ва унинг ички уйғунлигини таъминлашга хизмат қиладиган Фуқаролик кодексининг йилдан йилга ўзгариб такомиллашиб бораётгани, юртимиздаги фаровон ҳаёт ва фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг одилонани ривожланишига мисол бўла олади.

Инсонда туғилиши билан вужудга келадиган олий ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, ҳуқуқ назариясида табиий ҳуқуқлар сифатида эътироф этилади. Яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик каби бундай табиий ҳуқуқлар сафига мулк ҳуқуқини ҳам киритиш хато бўлмайди. Ҳуқуқ нормаларида гарчи мулк ҳуқуқи иқтисодий ҳуқуқлар туркумига киритилсада, лекин инсонларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида тутган ўрни ва аҳамияти, фаол иштироки ушбу ҳуқуқнинг табиий ҳуқуқлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатади [3].

Жамиятнинг иқтисодий негизи-мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда “тақдим этилган” бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи ижтимоий-иқтисодий мақоми вужудга келади. Мулкый муносабат-ларсиз. Иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз маз-мунига эга бўлмайди [8].

Ўзбекистон Республикаси янги ижтимоий жамият қарор топди, иқтисодиёт соҳасида бозор муносабатлари босқичма-босқич шаклланиб бормоқда. Бундай туб ўзгаришлар замирида мулк ва унга бўлган муносабатлар ётади [9]. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда хусусий мулк ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакатнинг тараққий этишида асосий омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли, хусусий мулкнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини англаш ва белгилаб олиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институтдир.

Нотариат бир қанча ҳуқуқ соҳалари таркибидаги нормалар йиғиндиси ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари таркибига кирмаган мустақил институт сифатидаги нотариал ҳаракатларни амалга ошириш қоидаларининг комплекс йиғиндисидан иборат ҳуқуқ соҳаларидан бири [10] дир.

Шунингдек, нотариус фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларини расмийлаштиришда иштирок этади. Қолаверса, нотариус шахслар ўртасида тузиладиган битимларни тасдиқлайди, шунингдек муайян асослар бўйича мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳамда уни тасдиқловчи гувоҳномалар беради. Бу орқали нотариус, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладди. Шу мақсадда у жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, тарафлар тақдим этган битим лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мослигини ва қонуний талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантириши, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этиши шарт [4].

Нотариат низосиз фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ҳуқуқи муносабати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқади, юридик фактларни белгилайди, шунингдек, нотариал ҳаракатлар орасида энг кўп амалга ошириладиган битимларни нотариал тасдиқлайди [11].

Ўзбекистонда нотариат институти умумий махсус нормалар орқали тартибга солинган. Умумий нормалар, Конституция, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Уй-жой кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, нотариал тасдиқланиши шарт бўлган ҳолатлар моддий ҳуқуқ нормалари белгиланган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига асосан, банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши, шунингдек мерос ҳуқуқи қонун билан қафолатланади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 105-моддасида битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилиши, 110-моддасида битимларни қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқлаш шартлиги, 488-моддасида уйни, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Оила кодексининг 24-моддасида эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозимлиги, 30-моддасида никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу нормалардан кўришимиз мумкинки, битимлар ва бошқа ҳаракатларни нотариал тартибда амалга оширилиши юзасидан моддий ҳуқуқ нормалари белгиланган.

Махсус нормалар эса, юқоридаги мисолда кўрсатилган нормалар (талаблар) ни амалга оширилиши, яъни нотариал ҳаракатларни амалга ошириш механизмлари белгиланган. Махсус нормаларга Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонун ва ушбу Қонун асосиди қабул қилинган идоравий ҳужжатлар асосида тартибга солинган.

Португалияда нотариуслар ҳуқуқий жараёнлар ва шартномаларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Масалан, Португалия фуқаролик кодексининг [11] 875-моддасига асосан, кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нотариал тартибда тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Португалияда нотариусларнинг ваколатлари, уларнинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, нотариусларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун фуқаролик ва жинойий жавобгарлиги масалаларини тартибга солувчи 1995 йил 14 августда қабул қилинган Нотариат кодекси орқали тартибга солинган.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш субъектлари Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган шахслардан ташқари таъбий офат бўлган ҳолларда судя ва руҳонийлар ҳам нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Португалия Нотариат кодексида нотариуслар томонидан амалга ошириладиган барча процессларни қамраб олган. Хусусан, Португалия Нотариат кодексининг II ва III бўлимларида нотариус китоблари турлари ва уларни юритиш, рақамлаш ва йўқ қилиш тартиби, ҳужжатларни йўқ қилиш тартиби ва асослари аниқ кўрсатилган бўлса, IV бўлимда эса нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби, ҳужжатлар билан ишлаш, нотариал ҳужжатга қўйилган талаблар, сайёр хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон қонунчилигида агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима таржимон томонидан қилиниши мумкин, нотариус унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди [11] шунингдек, нотариус Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг мажлисида қасамёд қилади ва ушбу қасамёдида амал қилиши лозим. Португалияда эса, таржимон, эксперт ва мутахассислар нотариус олдида қасамёд ёки шарафли мажбурият олишлари лозим (Нотариат кодексининг 69-моддаси) [12].

Шунингдек, Нотариат кодексининг 76-моддасига асосан, ҳақиқий эмас деб топилган нотариал ҳаракатни қайта расмийлаштириш юзасидан нотариус манфаатдор шахсларни **10 кун ичида** эътироз билдиришлари ва исботлаш воситаларини таклиф қилишлари учун хабардор қилиш лозим. Нотариус, агар у тақдим этилган далилларни этарли деб ҳисобласа, дарҳол қарор қилади. Агар у тақдим этилган далилларни етарли эмас деб ҳисобласа ва кўрсатув далиллари кўрсатилган бўлса, нотариус гувоҳларни сўроқ қилиш билан шуғулланади, уларнинг кўрсатмалари ёзма шаклга туширилади, шундан сўнг у қарор қабул қилади. Бундай норма Ўзбекистон қонунчилигида бундай норма мавжуд эмас.

Португалиянинг асосий нотариал хизматларига қуйидагилар қиради:

- Ҳужжатларни нотариал тасдиқлаш - зарур ҳолларда битимлар, ишончномалар, шартномалар, никоҳ битимлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардаги имзоларни тасдиқлаш, аризалардаги имзоларни, шу жумладан боланинг чет элга чиқиши учун ота-онанинг розилигини тасдиқлаш, паспортлар, шахсий гувоҳномалар ва бошқа расмий ҳужжатларнинг нусхаларини тасдиқлаш.

- Апостил қўйиш ва қонунийлаштириш - Португалияда чиқарилган ҳужжатларни халқаро тан олиш учун апостилни рўйхатдан ўтказиш ҳамда Гаага конвенцияси иштирокчилари бўлмаган мамлакатларда чет элда фойдаланиш учун ҳужжатларни қонунийлаштириш (консуллик қонунийлаштириш).

- Иммиграция ва фуқароликни олиш учун ҳужжатларни тайёрлаш – ҳар қандай виза, яшаш учун рухсатнома ва миграция ва фуқароликка рухсат олиш учун ҳужжатларни тасдиқлаш, оилавий ёки бизнес иммиграцияси учун ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқлаш ҳамда Португалия фуқаролигини ўзгартиришда нотариал ёрдам.

- Бизнес учун нотариал хизматлар – компаниянинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш: устав, қарорлар, йиғилишлар баённомалари, шартномалар, шартномаларни, ҳар қандай битимларни, шу жумладан олди-сотди шартномалари ва кредит шартномаларини сертификатлаш, Португалияда компаниянинг ваколатли шахслари ва имзолаш ҳуқуқини тасдиқлаш.

- Онлайн нотариал хизматлар – видеоконференция орқали масофавий нотариал тасдиқлаш, электрон рақамли имзо ёрдамида ҳужжатларни электрон шаклда сертификатлаш.

- Таржималарни сертификатлаш – ҳар қандай таржималарни, шу жумладан ҳуқуқий, техник ва тиббий ҳужжатларни дунёнинг исталган давлатида хорижий ташкилотларга топшириш учун сертификатлаш, халқаро шартномалар ва кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар учун ҳужжатларни тайёрлаш ва сертификатлаш.

- Кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича нотариал хизматлар – кўчмас мулкни олди-сотди, ижарага бериш, ҳады қилиш шартномаларини тайёрлаш ва сертификатлаш, мулк ҳуқуқини ўтказиш далолатномаларини тасдиқлаш ва ипотека шартномаларини сертификатлаш.

Ишончномалар – чет элда бизнес юритиш учун умумий ва махсус ишончномаларни сертификатлаш, кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотишда судда, давлат органларида манфаатларни вакиллик қилиш учун ишончномалар.

Халқаро таълим ва касбий мақсадлар учун сертификатлаш – хорижда малакасини тасдиқлаш учун дипломлар, транскрипт ва сертификатларни сертификатлаш ҳамда чет элда ўқиш ва ишлашга кириш учун ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини нотариал тасдиқланган тасдиқлаш.

Шошилинич нотариал хизматлар – 24 соат ичида апостил қўйилган ҳужжатларни тезкор нотариал тасдиқлаш, ҳужжатларни зудлик билан қонунийлаштириш ва шошилинич операцияларни нотариал қўллаб-қувватлаш имконияти [7].

Юқоридагиларга асосан хулоса қилдаган бўлсак, Португалия давлатида нотариат соҳаси Ўзбекистон қонунчилиги билан ўхшаш бўлиб айрим жиҳатларигина фарқ қилади. Хусусан, Португалия ва Ўзбекистон нотариати ўртасидаги фарқлар асосан нотариуснинг иштироки, ҳуқуқий жараёнлар ва уларнинг молиявий соҳадаги ролида намоён бўлади. Португалияда нотариуслар асосан ҳуқуқий тасдиқлаш ва рўйхатга олиш билан шуғулланса,

Ўзбекистонда нотариуслар молиявий ва хўжалик операцияларига кўпроқ таъсир кўрсатишда фаол бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда. Ислохотларни амалга оширишда илғор хориж тажрибасига асосланган ҳолда миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш лозим.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. <http://uza.uz/uz/society/prezidentimizning-nutqi-mamlakatimizda-inson-manfaatlari-ham-20-09-2017>
2. А. Хусейнова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Бухоро давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори (A. Huseynova, Member of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, Professor of Bukhara State University, Doctor of Philosophy). [https://www.uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-va-inson-huquqlari-himoyasi\\_327572](https://www.uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-va-inson-huquqlari-himoyasi_327572).
3. Кўчмас мулк ва мулк ҳуқуқи. Амалий кўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017. 200 бет (Real estate and property law. Practical manual. Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. Baktria press. Tashkent – 2017. 200 pages).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 dated 28.01.2022)
5. Нотариат. Ўқув кўлланма. – Тошкент, ТДЮУ нашриёти, 2018 йил. – 174 бет (Notary. Study guide. – Tashkent, TSUU Publishing House, 2018. – 174 pages).
6. Нотариал ҳаракатлар. Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2021. – 246 бет. (Notarial actions. Textbook. - T.: TDUU, 2021. - 246 p)
7. <https://firstlegal.group/ru/services/notarial-services/>.
8. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик (умумий қисм) қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил. 372 бет (I.B. Zokirov. Civil law of the Republic of Uzbekistan. Textbook (general part) revised and supplemented edition. Tashkent State Law Institute, 2005. 372 pages).
9. Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов. Мулк ҳуқуқи. Услубий кўлланма. “Қонун ҳимоятисида” 1997 й. Тошкент – 1998. 63 б (Hoji-Akbar Rakhmonkulov. Property law. Methodological manual. "Under the protection of the law" 1997. Tashkent - 1998. 63 p).
10. Нотариат. Дарслик. – Тошкент, ТДЮУ нашрети, 2019-йил. – 237 бет (Notary. Textbook. - Tashkent, TDU publishing house, 2019. - 237 pages).
11. Civil Code. Government Gazette No. 274/1966, Series I of 1966-11-25. <https://diariodarepublica.pt/dr/legislacao-consolidada/decreto-lei/1966-34509075-66198480>
12. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни. 26.12.1996 йилдаги 343-I-сон (About notaryLaw of the Republic of Uzbekistan, dated 26.12.1996 No. 343-I)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-1

JOURNAL OF LAW RESEARCH  
SPECIAL ISSUE-1

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000